



2025 yil « 21 » fevral

№ 15 i

БҮЙРУҚ

"Жиззах вилоят Санитария-епидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлимлари томонидан одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя етилишини таъминлаш тұғрисида"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фукаролик хизматчилари томонидан одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя етилишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тұғрисида"ти 595-сонли, вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 20 октябрдаги 559-33-0-К/22-сонти карорлари талабларидан келиб чиқиб, ходимларнинг хизмат фаолиятида ва хизматдан ташқари ҳолатларда одоб-аҳлоқини, жамоатчилик билан муносабатларда амалдаги қоидаларга риоя етишларини, уларнинг кийиниш меъёрларини белгилаш, шунингдек, деонтологик нұктан назардан соғлом, маънавий, ижтимоий-психологик мухитнинг барқарорлигини таъминлаш, касбга нисбатан ва ўзаро ҳурмат муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фукаролик хизматчилари томонидан одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя етилишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тұғрисида"ти 595-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул килинсин.

2. Қуйидагилар:

- Одоб-аҳлоқ комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) таркиби 1-иловага мувофиқ;
- Одоб-аҳлоқ комиссияси тұғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;
- Ходимларнинг одоб-аҳлоқ қоидаларини 3-иловага мувофиқ тасдиқлансын.

3. Комиссия раиси (М.Мухитдинова):

Ходимлар орасида хизмат фаолиятидаги оид ва хизматдан ташкаридаги одоб-аҳлоқ, жамоатчилик билан муносабатларга доир қоидаларига риоя етилиши, уларнинг кийиниш меъёрлари билан таништириш, шунингдек, деонтологик нұктан назаридан соғлом, маънавий, ижтимоий-психологик мухитнинг барқарорлигини таъминлаш, касбга нисбатан ва ўзаро ҳурмат муносабатларини мустаҳкамлаш юзасидан мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борсин;

Ходимлар томонидан одоб-аҳлоқ қоидаларига, хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташкаридаги одоб-аҳлоқ, жамоатчилик билан муносабатларга доир қоидаларига, уларнинг кийиниш меъёрларига риоя етмаслик ҳолатлари

аниқланган ҳолларда уларнинг сабабларини аниқлаб, ижобий ечими бўйича раҳбариятта таклифлар киритиб борсин.

4. Санитария-епидемиологик жсжийишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобига олган ҳолда:

а) одоб-ахлоқ қоидалари асосида таркибий бўлинмалар ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини;

б) ички меҳнат тартиб-қоидаларини ва бошқа идоравий хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя етилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида турилган 595-сонли карорига мувофиқлаштирилсин.

в) одоб-ахлоқ қоидалари талабларининг бузилиши қонун хужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланиши белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

4. Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назорат бошлиқнинг биринчи ўринбосари М.Мухитдинова зиммасига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи



К.У.Убайдуллаев

Санэпидкўмита Жиззах вилоят
бошқармасининг 2025 йил 21.02. даги
15-сонли буйругига
1-илова

Вилоят Санитария-епидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси
Одоб-аҳлоқ комиссияси таркиби

1	Мухитдинова Миннигул Аскаровна	Бошқарма бошлигининг 1-ўринбосари, комиссия раиси
2	Абдураимов Шукурулла Абдураҳмонович	Бошқарма КУҚ раиси, комиссия раиси ўринбосари
3	Умаркулов Шуҳрат Раҳмонович	Аъзолари Бошқарма Коррупцияга қарши курашиб ички назорат шўбаси раҳбари
4	Музafferов Елёр Ҳасанович	Бошқарма бошлиғи ўринбосари
5	Ибрагимов Ҳасан Абдуғаффорович	Юристконсульт
6	Камолов Нуридин Икромович	Кадрлар бўлими бошлиғи
7	Юлдашева Махфузза Галибжоновна	Ташкилий назорат ва ахборот-такхлил бўлими бошлиғи, комиссия котиби

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
Жиззах вилоят бошкармасининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1- боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошкармасида (кейинги ўринларда - санитария-эпидемиология бошқармаси) одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда - комиссия) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия санитария-эпидемиология бошкармаси ходимлари (кейинги ўринларда ходимлар) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-харакатларининг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши билан боғлиқ низоларни кўриб чикиш мақсадида тузилади.

3. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатасининг карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 ғармон, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаг “Давлат фуқаролик хизматчилини томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини ётказибдан” таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари одоб-ахлоқ қоидаларига, ушбу низомга ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофик амалга оширилади.

4. Комиссия, Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони бен нафардан кам бўлмаслиги ва ток сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнатсевар, жамоада обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчилари киритилади.

Комиссия таркиби Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошкармасининг раҳбари қарори билан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатни мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

2.боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чикиш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чикиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари ўтасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-харакатларининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқарма ходимларининг хатти-харакатларига доир мурожаатларини кўриб чикиш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг шаъни ва қадр-кимматини химоя билан боғлиқ масалаларни кўриб чикиш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чикиш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши холатларини таҳлил қилиш, натижалари хакида раҳбар ва жамоатчиликни хабардор қилиб боринш.

6. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риёз лиши устидан назоратни амалга оширади;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлик масалалар юзасидан хуносалар тайёрлайди;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлик масалаларини кўриб чикиш жараёнида зарур ахборотларни сўраб олади;

кўриб чикиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлисларига экспертлар ва мутахассисларни жалб қиласди;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чикилган масалалар бўйича Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан раҳбарга таклиф киритади;

7.Комиссия Санитария - эпидемиология бошқармасининг таркибий бўлинмалари, боника давлат орган ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласди.

8.Комиссия фаолиятини ташкил қилиш ва Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузилиши билан боғлик масалаларни кўриб чикиш ушбу низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

9.Комиссия мажлислари заруратга қараб ўтказилади. Комиссия мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпик мажлис ўтказиш тўғрисида қарор кабул қилиши мумкин.

10.Комиссия мажлисини Комиссия раиси, комиссия раиси йуқлигига эса, унинг топширигини биноан комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қиласди ва комиссия котиби томонидан имзоланади.

11.Комиссия мажлислари, агар уларда комиссия аъзолари умумий сонининг камидаги учдан иккӣ қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

12.Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тарикасида, камидаги иккӣ кун олдин, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

13.Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолатда комиссия раисининг овози ҳал қиласди овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари комиссия раиси томонидан имзоланади.

14.Комиссия раиси:

- комиссия ишини ташкил этади;
- комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказади;
- комиссия аъзоларига топшириклар беради;

Санитария - эпидемиология бошқармасининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда комиссия номидаги иш юритади;

Комиссия мажлисларида комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади; ҳар йили раҳбарга комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

15.Комиссия котиби:

- комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди;
- комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларидан зарур хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;
- кун тартибига мувофиқ комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;
- комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни комиссия мажлиси ўтказиладиган жой сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар хақида хабардор қиласди;
- комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомани манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

16.Комиссия аъзоси:

- комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;
- комиссияни кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;
- карорлар тайёрланишида, мұхокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларниң амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этади;
- кўриб чиқилаётган масалага доир хужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

-комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз фикрини баён этишга ҳақли.

17. Комиссия аъзоси комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмагандан Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

18. Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлгандан тақдирда ўзини ўзи рад килиши шарт.

4.боб. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишини олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

19. Комиссия инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари билан биргаликда мунтазам равиша ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган кўйидагиларни назарда тутивчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада ёғлом маънавий мухит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, тъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга карши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари орасида таникли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга куинган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб килган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориши;

санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг касбий ва бошқарув кўниммалари усисини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равища оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий тақомиллаштириш ишларини амалга ошириш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг иқтисодий билимларини, ҳукукий саводхонлигини, ҳукукий маданияти ва ҳукукий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳукукий йўналишдаги ўқишлиарни ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган ходимларини одоб-ахлоқ қоидаларига катъий риоя қилини борасида стажировкадан ўтказиш ва улар-билан профилактик сухбатлар ташкил қилиш;

санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларини малака ошириш курсларига, халкаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

20. Комиссия Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишини олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини комиссия томонидан тасдиқланган чораклик иш режалари асосида олиб боради.

21. Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишини олдини олиш (профилактика) чоралари комиссия томонидан санитария- эпидемиология бошқармасининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади.

22. Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишини олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган комиссия йигилишида мұхокама қилинади.

5.боб. Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

23. Комиссия Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

Санитария - эпидемиология бошқармаси раҳбарининг топшириғига кўра;
хуқукни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатларига асосан;
давлат хизматчиларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига
биноан ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

24. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниклаш ва холисона қарор қабул китилиш
мақсадида ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган давлат хизматчиси, зарур бўлган ҳолларда эса,
мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вакти ва жойи ҳакида
тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун
монеълик килмайди.

25. Комиссия мажлисида:

Кун тартибидаги масала ўкиб эшиттирилади;

Санитария - эпидемиология бошқармаси раҳбарининг топшириғи ёки ходимлар томонидан
одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўкиб эшиттирилади;

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган ходим ва мурожаатчиларни
тушунтиришлари эшиттилади;

26. Санитария - эпидемиология бошқармаси ходими ўзининг хуқуки, шаъни ва кадр-
кимматига, ишchanлик обрўсига даҳлдор мурожаат бўйича амалдаги қонун хужжатларига мувофик
ўзини ҳимоя қилишга, комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тавдим этишга
хаклидирлар.

27. Мажлис якуни бўйича комиссия ходим хатти-харакатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг
бузилиши фактининг мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.

28. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги ҳолати исботланган тақдирда комиссия томонидан
ходимга нисбатан қўйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:
огохлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб килиш;

санитария - эпидемиология бошқармаси жамоавий йиғилишларида танбех берниш.

29. Комиссия ходимга нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Санитария -
эпидемиология бошқармаси раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

30. Комиссия томонидан қўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

Комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги тақрор
мурожаатлар;

Аноним мурожаатлар;

Конунда белгиланган бошқа талабларга мувофик бўлмаган мурожаатлар.

31. Комиссия қабул қилинган қарор ҳакида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала
кўриб чиқилган ходимга ва раҳбарга ёзма равишида маълум қиласди.

32. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари СЭОважС бошқармаси раҳбари томонидан бузилган
тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўрищ масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи
давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.

33. Комиссиянинг қарори устидан раҳбарга ёки судга шикоят қилиш мумкин.

34. Санитария - эпидемиология бошқармаси ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг
бузилиши ҳакидаги мурожаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунинг
қадар қайтариб олиниши мумкин.

35. Тарафлар ярашган, шунингдек ходим ўз хохиши билан мурожаатчидан ошкора ўзр
сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин;

Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
Жиззах вилоят бошқармаси
ходимларининг одоб-ахлоқ
ҚОИДАЛАРИ

1. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология бошқармаси) ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда - Одоб-ахлоқ қоидалари) Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташкаридаги одоб-ахлоқи, ташки қўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгига давлат хизматига бўлган хурмат ва ишончни ошириш ҳамда Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган ҳатти-харакатларнинг олдини олинга каратилган:

2. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари ўз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга оширишлари шарт:

Қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юклangan функционал вазифаларни тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; давлат ва жамият манфаатларига содиклик; адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш; хизмат сирини катъий саклаш; мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик; манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари меҳнат фаолиятлари давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-атворининг қўйидаги умумий қоидаларига амал қилишлари лозим;

Санитария-эпидемиология бошқармасининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлгин ҳатти-харакатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига қўмаклашиш;

хушмуомалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч

ва хурмат хиссини уйғотиш;

Оиласида соғлом мухитни таъминлаб, оила-аъзоларига доимий ғамхўр бўлни, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иктисадий ахволи ва бошқа омиллардан катъий назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш; жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик хужжатларига амал қилади.

5. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса давлат хизматчиларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳукуқига эга.

6. Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя эътиш.

иарнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бирни хисобланади.

Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидатари таъминлашади. Қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар заҳирасиди шакллантиришда хисобга олинади.

2-боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

7. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари:

фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чикини, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқенинг камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва харакатлар (харакатсизлик)га йўл қўймаслиги;

халол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлиф карорларни қабул қилишда конунийликни, адолатлиликни ва шаффофикни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига заарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотларни фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган харакатлар (харакатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-харакати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан алиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган холда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сакланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган даромад мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига катъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувоғик доимий равишида фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган хуқуқбузарлик ва бошқа хатти-харакатларга йўл қўймаслиги; касб этикаси ва ишчанлик услуби таъсирни иштирок этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавкеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

8. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар мөхнат вазифасини бажараётган пайтида партия номидан сиёсий фаолият билан шугулланишини ташкилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

3-боб. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

9. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари хизмат фаолияти давомини таъсир кўйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчиник хужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш; ташки сиёсат соҳасида давлат манфаатларини катъий ҳимоя қилиш; ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, соҳтакорлик ва сустеъмолчиликка йўл қўймаслиги;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва куникмаларни доимий ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари

жирасида қабул килган қарорлари ҳамда берилған топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарып ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатларга бирон-бир шахс, гурұх әмбидоралар манфаати нүктаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишиге жарият күймаслик;

хар қандай қонунбузилишига, айникса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билігін курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меңнат фаолияти билан бөгликті бўлган хар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар хисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳукуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳакида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳакида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум килини;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳукуклари, мажбуриятлари ва конуний манфаатларини хисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-харакатлардан сақланиш;

давлат сири, конун билан кўрикланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда ғойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириқтирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчилардаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишинин олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармокларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалий оширилаётган ислохотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирумаслик;

фуқаролар ва ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, иғво ва үйдирмаларни тарқатмаслик;

меңнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашини ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий мухитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда конуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

меңнат жамоасида ишчанлик мухитини шакллантириш ва уни мустахкамлантириш кўмаклашиши;

меңнат жамоасида ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматини обўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

10. Раҳбарлар кўйидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги давлат хизматчиларига профессионализм, ҳалоллик, ҳолислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш;

жамоада соғлом маънавий мухит ва ишчан кайфиятни шакллантириш; санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларини қонунга хилоф хатти-харакатларини амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай харакатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, ург-аймокчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий салбий белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада турухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-куватлари кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг фаолиятига баҳо беришда конунгий асосли ва адолатли қарорлар кабул вилиш;

санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан коррупция ва бониса сунистъемчилклар содир этилишининг олдини олиш чораларини куриш;

бўйсунувдаги ходимларни хуқуқий ва ижтимоий жихатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриниши ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиши ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

11. Раҳбарлар бўйсунувидағи давлат хизматчиларига кўпол муомалада бўлиши, хакориги килишӣ, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

4.6об. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ коидалари

12. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари ишдан бўш вактларида умумкабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-харакатларни ўзларини тийишлари шарт.

13. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари ишдан ташқари вактда кўйидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга хурмат билан муносабатда бўлиш; дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гурухбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни мухокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторон ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутини коидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий харакатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва ҳавфсизлигига карши каратилган хатти-харакатларни содир этишса, мазкур ноконуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбарлари ходимлардан, бошқа мансабдор шахслардан қимматбахо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини саклаш ва фойдаланиш тартибига катвий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кирсатиб, мавқенини сунистъемол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахсларни иштироқида мухокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиниш, ҳолатларни ҳаракати коидаларига қатъий риоя этиш;

тадбиркорлик ёки ҳак тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва бирорини фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат хизматига оид туширувчи хатти-харакатлардан тийилиш;

ташки қўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийинши атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб киладиган тарзда кийинмаслик.

5.боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари

14. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро хамкорлик килиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

15. Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари ёки мазкур йўналиш буйича ваколатни мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

16. Кўйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алокадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлик бўлса; оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишига йўналтирилган бўлса.

17. Санитария-эпидемиология бошқармасида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айлов ёки танқид билдирилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айлов ёки танқидга оммавий изоҳ, ёхуд раддия бериши лозим.

18. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни хамда қадр-кимматини камситадиган иборалар бўлса, давлат хизматчиси ўз фикрларининг янгилишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши хамда шаъни, қадр-кимматига ва ишчанлик обрўсига раҳна солган фуқародан, агар қонун хужжатларидан бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сураши шарт.

6-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари

19. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўринишни ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида хурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат килиши керак.

20. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг ташки кўриниши мекнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вактида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабус қилингандан иш услубига мувоғик бўлиши ва расмийлик, ҳолислик, камтарлик ва интизомни намойиш этиши лозим.

21. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг иш жойида ташки кўринини ва кийиниш услубига оид қўшимча талаблар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари хамда ички мекнат тартибида жамоа келишуви асосида белгиланиши мумкин.

7-боб. Манфаатлар тукнашуви

1. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вактида манфаатлар тукнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

2. Манфаатлар тукнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор килиши шарт.

Манфаатлар тукнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тукнашувнинг олиши ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вактида чоралар кўришга мажбур.

8-боб. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг манфаатларини хизмат килиш

3. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларини хизмат вазифаларини бажариш ~~бўлади~~ давлат боғлик таҳдид, хакорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-харакатлардан химоя қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

4. Зиммасига юқлатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа қукуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳакида хабар беради. Ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан химоя қилиш чоралари кўрилади.

9.боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

5. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ўстидан назорат давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқарни бўлинмалари ёки одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

6. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари лавозимга тайинланган давлат хизматчилари инсон ресурсларини бошқариш бўлинмалари томонидан мазкур одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

7. Мазкур одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан ўтказилади.

Хизмат текширувани ўтказиш тартиби давлат органлари ва ташкилотлари томонидан белгиланади.

10- боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

8. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик холати уларга нисбатан ахлоҳий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асосида бўлади.

9. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун одоб-ахлоқ комиссияси томонидан нашия хизматчиларига қўйидаги ахлоҳий таъсир чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

урз сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

Санитария-эпидемиология бошқармасининг жамоавий йигилишларида танбех берниш;

10. Одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасига қўллаш учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Одоб-ахлоқ қоидалари раҳбар томонидан бузилган тақдирда, одоб-ахлоқ комиссияси нисбатан тегишли чора куёриш масаласи юзасидан таклифларни юкори турувчи давлат органлари ташкилот раҳбарига юборади.

11. Санитария-эпидемиология бошқармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бўлиш уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

11-боб. Якуний қоида

12. Мазкур низомнинг ижросини таъмиёнламаган жавобгар шахслар қонунда белгисланади тартибида жавобгарликка тортилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси
тұғрисидаги низомга
илова

**Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва давлат хизматчилари томонидан
одоб- ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларини күриб чиқиш
СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддаты
I. Комиссия фаолиятини ташкил этиш			
1-боскич	Ташкил от раҳбари	<p>1. СЭОваЖС бошқармасида Одоб-ахлоқ комиссиясini (кийинги үринларда - Комиссия) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда, умумий сони камидан беш нафардан кам бўлмаган микдорда ток сонда шакллантириш.</p> <p>2. Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обру-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчиларини киритиш.</p> <p>3. Комиссия таркибини тасдиқлаш.</p> <p>4. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул килинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартериш киритилади.</p>	<p>Икки хафта муддатда</p> <p>Заруратга кўра</p>
2-боскич	Комиссия раиси	<p>Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чакиради ва ўтказади мажлисга раислик қилади.</p> <p>Комиссия номидан иш юритади, Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тұғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади.</p> <p>Ташкилот раҳбарига Комиссия фаолияти тұғрисида хисобот такдим этади.</p> <p>Кун тартибига мувоғик Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади. Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вакт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади.</p> <p>Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини хал қилади, навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вактида тайёрлайди.</p> <p>Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.</p>	<p>Маълумотлар киритилган вактдан бошлиб</p> <p>Хар йили йил якуни бўйича</p> <p>Мажлиса да н камидан 2 кун олдин</p> <p>Мажлиса да н камидан 1 кун олдин</p>

II. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

Ш. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш

1-боскич	Комиссия	Комиссия мунтазам равишида Санитария -	Комиссия
1-боскич	Комиссия	<p>Комиссия Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:</p> <p>Ташкилот раҳбарининг топширигига кўра; хукукий муҳофаза килувчи оргайларнинг мурожаатига асосан;</p> <p>Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.</p>	Заруратга кўра
2-боскич	Комиссия раиси ва аъзолари Ходим хизматчи	<p>Комиссия мажлисида:</p> <p>кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади; ташкилот раҳбарининг топшириги ёки Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади; одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимлари ва мурожаатчилар тушунишилари эшиттилади.</p> <p>Ўзининг хукуки, шаъни ва қадр-кимматига, ишчанлик обрўсига салбий таъсир қиласиган мурожаат бўйича амалдаги конун хужжатларига мувофиқ ўзини химоя килишга, Комиссия зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳакли.</p>	Мажлис Ўтказилади- ган кун
3-боскич	Комиссия	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мажлис якуни бўйича Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларининг харакатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласида. 2. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларига қўйидаги ахлоқий таъсир чораларини қўллайди; огоҳлантириш; узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш; Санитария - эпидемиология бошқармасининг кенгайтирилган мажлисида танбех бериш. 3. Санитария - эпидемиология бошқармаси ходимларига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун ташкилот раҳбари тақдимнома киритиши мумкин. 4. Қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган Санитария-эпидемиология бошқармаси раҳбари ёзма равишида маълум қиласида. 	Мажлис Ўтказилади- ган кун
4-боскич	Комиссия	Одоб-ахлоқ қоидалари ташкилот раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан тақлифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилот раҳбари юборади.	Заруратга кўра
5-боскич	Ходим-хизматчи	Комиссиянинг қарори устидан ташкилот раҳбари ёки судга шикоят қилиш мумкин.	Заруратга кўра
		қиласида.	